

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Самадов Шаҳзод

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАРХОНАЛАРИДА
СИФАТЛИ ВА ХАВФСИЗ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ

Битирув малакавий иши

**Битирув малакавий илмий раҳбар:
ассистент Саматов А.А**

Тошкент – 2017 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I-БОБ Маҳсулот ишлаб чиқаришда стандартлаштиришнинг ўрни	7
1.1. Маҳсулот ишлаб чиқиш ва сифатини назорат қилиш	7
1.2. Стандартлаштиришнинг илмий асослари ва тамойиллари	11
1.3. Стандартлаштириш соҳасидаги фаолият ва унга давлатларнинг эътибори	13
II-БОБ Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларни жорий этиш	20
2.1. Ўзбекистонда маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартларга жорий этиш	20
2.2. Стандартлаштириш хусусияти асосий қоидалар, атамалар ва тушунчалар	22
2.3. Стандартлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш идоралари	24
III-БОБ Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги: асосий тамойиллар	28
3.1. Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги асосий тамойиллари	30
3.2. Стандартларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатдан ўтказиш тартиблари	35
ХФХ қисми	41
Иқтисодий қисм	50
Хулоса	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	60

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда республикада стандартлаштиришнинг ҳозирги замон тизимини ва унинг қонуний базасини яратилишига жиддий эътибор берилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги 93-сонли “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимининг асосий принциплари белгилаб берилди. 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакатимиз тарихида муҳим воқеа ҳисобланади.

Дунёдаги эркин бозор муносабатлари тараққий топган, иқтисодий жиҳатдан салоҳиятли мамлакатлар қаторидан мамлакатимизнинг ҳам жой эгаллаши давлатимизнинг ўз тараққиёт ва ривожланиш йўлини бежиз танламаганидан далолатдир. Ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини назорат қилувчи тизим мавжуд бўлиб, унда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ходимлардан ташқари давлат ва жамоатчилик ташкилотлари қатнашадилар. Маҳсулотлар сифатини баҳолашда халқаро (ISO), давлатлараро (ГОСТ) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари (O‘z Dst), ташкилотнинг стандарти (Ts) каби стандартлаштиришга оид норматив ҳужжатлар қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида стандартлаштириш масалалари бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи ягона механизм ва давлат бошқаруви меъёрларини ўрнатади. Стандартлаштириш масалалари бўйича манфаатдор томонларнинг давлат бошқаруви идоралари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорлик ишининг шакл ва усулларини, умумий ташкилий-техникавий қоидаларини, стандартлар устидан давлат назоратини амалга оширишни, давлат инспекторларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлигини,

стандартлар мажбурий талаблари бузилган тақдирда, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилайди.

“Ўзстандарт” агентлиги, стандартлаштириш соҳаси бўйича фаолиятини ўз қошидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ), стандартлаштириш ва метрология бўйича ҳудудий бошқармалар, Ахборот–маълумот маркази орқали амалга оширади. агентлик қошидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг 12 та вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган, жами 14 та бошқармалар фаолият юритади.

Стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида, стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан назорат олиб боровчи давлат инспекторлари фаолият кўрсатадилар. Назорат олиб боришдан ташқари, улар томонидан меъёрий ҳужжатларнинг экспертизаси ўтказилади ва давлат рўйхатига олиш бўйича тегишли ишлар бажарилади.

Республика стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчи ва бу соҳа бўйича ўқитишнинг ўқув-методик маркази бўлиб, СМСИТИ ҳисобланади.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан “Халқаро тажриба асосида 2016-2020 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш Концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича Дастур” ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини ривожлантириш бўйича Идоралараро Кенгаш томонидан тасдиқланган. Концепциянинг асосий мақсади Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уни сифатини тубдан яхшилашга имкон яратадиган стандартлаштиришнинг халқаро тизимига босқичма-босқич ўтишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5-майдаги 349-сон “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада

энергиятежамкор технологик стандартларни жорий қилиш” ва Юртбошимизнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш дастурида ҳамоҳанг бўлади.

Стандартлаштириш маҳсулот сифатини оширишда ягона давлат ташкилий-техникавий сиёсатини ўтказиш имконини беради ва мамлакат иқисодиётини бошқариш ва маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқариш илмий-услубий бирлилигини таъминлайди.

Тармоқлараро даражада сифатни бошқариш ҳаётий циклининг барча босқичлари ва бошқариш функциялари бўйича ишлаб чиқиладиган давлат стандартлари асосида амалга оширилади. Бу стандартларда маҳсулот сифатини бошқариш бўйича халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятининг умумий меъёрлари келтирилади: сифат бўйича атамалар, сифатни баҳолаш, саноат маҳсулотини аттестациялаш, сифатни бошқариш мажмуий тизимларини яратиш бўйича тавсиялар билан белгиланади.

Тармоқда сифатни бошқариш давлат стандартлари ва техникавий шартлар ҳамда тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиб, жорий қилинган ёки давлат стандартлари ривожлантирилган тармоқий тавсиялар ва материаллар бўйича олиб борилади, бу тармоқнинг корхона ва ташкилотлари фаолиятидаги ўзаро боғланишни ташкил этишни яхшилашга кўмаклашади.

Бирлашма ёки корхона даражасида стандартлаштириш аниқ ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини: маҳсулот тури, туркумлилик технологик жараёнларни ўзига хос хусусиятлари ва бошқаларни ҳисобга олишга қаратилган. Корхона даражасидаги стандартлаштириш сифатни бошқаришда тармоқ ва тармоқлараро даражалар ўртасидаги зарурий боғланишни таъминлайди. Маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқаришни амалга ошириш учун сифатни бошқариш тизимларининг

ташкилий, техникавий ва услубий асослари бўладиган стандартлар ва техникавий шартлар мажмуи зарур.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.

Битирув малакавий ишининг мақсади – корхоналарнинг иқтисодий фаолияти ривожланиши ва бошқаруви тизимини такомиллаштиришда сифатли маҳсулот ишлаб чиқишда халқаро стандартларининг тутган ўрнини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш юзасидан амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- *Стандартлаштириш ва сифатининг бошқариш аҳамиятини ўрганиш;*
- *Маҳсулот сифатини оширишда давлат стандарти, техникавий шартлар ва корхона стандартлари йўналтирувчи ўрнини кўрсатиш;*
- *Маҳсулотнинг ҳамма ҳаётий даврида (тадқиқот ва лойиҳалаш, истеъмол ёки ишлатилишида) сифатни етарли даражада бошқаришни амалга ошириш учун стандартлар ва техникавий шартлар мажмуасининг зарурияти, улар эса сифатни бошқаришда ташкилий, техникавий асос бўлиб ҳисобланади.*
- *стандартларни яратишда ва уларни келишишда янги механизмларни яратиш;*
- *мазкур маҳсулот ҳамда хом ашё, материал, ярим тайёр маҳсулот ва жамловчи буюмлар, мамлакат ва хорижий фан-техникаси ютуқларини, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сифат тавсифларини мажмуий стандартлаштириш асосида тайёр маҳсулот сифатига бўлган талаблар жорий қилинади;*
- *буюм вазифаси ва фойдаланиш шароитларига қараб, маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ягона тизими аниқланади;*
- *сифат ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқаришда стандартлар бўйича амалга ошириш.*

I-БОБ

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ

1.1 Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва сифатини назорат қилиш.

Давлат стандартлари юқори сифатли маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришни тезлаштириш, тажрибавий намуналарни ишлаб чиқиш ва синашни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва серияли маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини татбиқ этиш асосида маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини ва конструкцияси элементларини ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва буюртмачи (истеъмолчи) ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Стандартлаштириш тизими янги маҳсулотга оид юқори сифатли лойха хужжатлар ишлаб чиқилишини, корхона сифатнинг белгиловчи кўрсаткичлари билан уни ишлаб чиқаришга тайёрлигини ва уни ўз вақтида ишлаб чиқаришни таъминлайди. Корхона стандартлари маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичида чиқарилаётган маҳсулот тавсифи ва ўзига хослигини, корхоналарнинг ташкилий-техникавий даражасини, заводнинг ички ихтисослашишини, муҳандис ва ишчилар тажрибасини ҳисобга олади, корхоналарда сифат бўйича ишларни аниқ ва маъсулиятли ташкил қилишнинг имконини беради. Улар маҳсулот сифатини мажмуий бошқаришга доимий фаолият кўрсатувчи тизим тусини беради, илғор тажриба асосида унга мунтазам ривожлантириш имкониятини яратади. Лойихалаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш (истеъмол қилиш) жараёнларида маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш тартиби ва усулларини белгилайди, маҳсулот сифатини назорат қилиш ва баҳолаш воситалари ва усулларига бўлган талабларни жорий қилади, маҳсулотни аттестациялаш тартибини аниқлайди, етказиб берувчилар ва етказиб берилаётган хом ашё, материал, жамловчи буюмлар сифатини яхшилаш бўйича

ишлаш тартибини аниқлайди. Ишлаб чиқаришнинг бир текислигини, технологик интизомни сақлаш, янги маҳсулотни ишлаб чиқувчилар, хом ашё, материал ва жамловчи буюмларни етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар билан ишлашни яхшилаш, корхонанинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш яроқсизликдан талафотларни камайтириш, бажарувчилар меҳнати сифатини ошириш, минимал сарфлар билан сифатнинг юқори даражасини таъминлаш имконини беради.

Айланиш ва сотиш босқичида стандартлаштириш маҳсулотни буюмдонларга жойлаштириш, консервалаш, транспортлаш ва омборга қўйиш, сақлаш ва сотиш пайтларида талаб, тартиб ва энг яхши шароитларни яратишга қаратилган, бу омборларда, базаларда, транспорт корхоналарида ва савдо ташкилотларида маҳсулот сифатини сақлаб қолади.

Истеъмол ва фойдаланиш жараёнида стандартлаштириш маҳсулотга хизмат қилиш ва уни таъмирлашга (шу жумладан, кафолатли таъмирлашга), фойдаланишдаги маҳсулот сифати ҳақида маълумотни йиғиш ва таҳлил қилишга қўйиладиган ягона талабларни белгилайди, бу хизмат қилиш ва таъмирлашни ташкил этишни яхшилайти, фойдаланишдаги харажатларни камайтиради ва маҳсулот унумини оширади.

Саноат маҳсулотини аттестациялашда стандартлар тизими объектив баҳолаш учун зарур бўлган сифат кўрсаткичларининг зарурий ва етарли рўйхатини, ягона тартибини белгилайди. Бу аттестацияни ташкил қилиш ҳамда ўтказишга сарфланадиган вақтни қисқартиради ва маҳсулотни сифат тоифалари бўйича баҳолашга хизмат қилади. Стандартлаштириш маҳсулотни сертификатлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳсулот сифати муаммосининг ечими метрологик таъминот даражасига боғлиқ. Улчашлар бирлиги ва ишончилигини таъминлаш учун мамлакатда ривожланган эталон базаси яратилган, ўлчашлар бирлигини таъминловчи стандартлар тизими ишлаб чиқилган. Стандартлаштириш ривожланиши замонавий босқичининг ўзига хослиги — алоҳида стандартларни ишлаб

чиқишдан мажмуий стандартлаштириш дастурларига ўтишдир. Бу дастурларни амалга ошириш тайёр маҳсулот, жамловчи буюмлар, хом ашё, материал, жиҳозлар ва ускуналар ҳамда ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил қилиш усуллари, синаш, назорат қилиш, ўлчаш, буюмдонга жойлаштириш қоидалари, сақлаш, транспортлаш, фойдаланиш ва таъмирлашга оид ўзаро боғланган стандартлари ва техникавий шартларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади.

Мажмуий стандартлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бутун фаолияти охириги умумиқтисодий натижаларга эришишга жалб қилиш имконини беради. Илмий-техникавий тараққиёт суръатлари тезлашиши билан стандартларнинг самарали таъсир қилиш вақти мутлақ ва нисбий қисқариш тенденцияси пайдо бўлишига олиб келади. Стандартлаштириш тобора динамик тавсифга эга бўлади, бу стандартларни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва қайта кўриб чиқиш усуллари ва муддатларига янгича талаблар қўяди. Стандартлаштириш тизими динамиклиги ва тезкорлиги масаласини ечишга истиқболли, илгариланган стандартлар қаратилган. Улар мамлакат корхоналари, энг яхши хорижий фирмаларнинг илғор тажрибасини акс эттиради ва саноати ривожланган мамлакатларнинг прогрессив кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни ***“2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”***га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида йил яқунлари бўйича муҳим кўрсаткичлар берилди, бунга кўра;

- ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга,
- саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга,
- қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга,
- чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга,

- хизматлар – 12,5 фоизга ўсди.
- Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

- Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди.
- Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди.
- Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди.
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмлари 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот – 11,2 фоизга, картошка – 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоизга ўсиши таъминланди.

Бу кўрсаткичлар шуни билдирадики, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фоизи ошишида стандартларни ўрни бекиёсдир. Хар бир маҳсулот сифатли ва хавфсиз ишлаб чиқишда стандартлар жуда катта ўрин эгаллайди.



Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида асосий эътиборни муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада фойдаланилмаган захиралар ва имкониятларга қаратди. 2017- 2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракат стратегияси лойиҳасидан келиб чиқиб давлатимиз раҳбари жорий йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг муҳим 11 та вазифасини белгилаб беради. *Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш - энг муҳим устувор вазифамиздир.*¹. Шу вазифалардан бири аҳолига сифатли маҳсулот етказиб беришдан иборат. Диплом ишимни асосий мақсади ҳам халқимизга халқоро стандартга мос сифатли ва хавфсиз маҳсулот етказиб беришга қаратилган.

1.2.Стандартлаштиришнинг илмий асослари ва тамойиллари.

Стандартлаштириш — мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умуман ва кўп марта татбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолиятдир. савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этиш ва энг муҳим ички ва ташқи бозорга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга қаратилган самарали воситага айланди.

Стандартларнинг юқори сифати — маҳсулотнинг юқори сифатини белгилайди. Стандартлаштиришнинг жаҳон тажрибаси ва ривожланган мамлакатларда бу соҳада қилинаётган ишлар шуни кўрсатадики, Стандартларнинг юқори сифати ва самарадорлигини таъминлаш учун уларни ишлаб чиқариш босқичида қуйидаги мажбурий тамойилларни бажариш керак:

¹ 2017йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий-тариб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик ҳаёти бўлиши керак” асарида 9-10-бетлар; 10-17-бетлар.

Тизимийлик тамойили. Техникавий тараққиёт ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи одамлар меҳнатини, меҳнат воситалари қўлланаётган жихозлар, мосламалар, асбоблар, назорат воситалари ва бошқалар мажмуини ва меҳнат предметлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланишнинг барча босқичларини ўз ичига олган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий жараёнига тизимий ёндашишнинг объектив заруратини талаб қилади.

Тизим деганда ўзаро боғланган, қўйилган мақсадга максимал самара ва энг кам харажатлар билан эришишга олиб келадиган элементлар мажмуи тушунилади. Тизим элементларининг миқдорий боғланишлари детерминантланган ёки тасодифий бўлиши мумкин. Тизимга кирган ўзаро боғланган элементлар мажмуи уларни турли даражада иерархик боғланишини кўриш мумкин бўлган тузилмасини ташкил этади.

Мажмуийлик ва мақбул чеклаш тамойили. Стандартларни ишлаб чиқишда Стандартлаштиришнинг охириги объектига таъсир этувчи барча асосий элементлар (омиллар) ҳисобга олиниши шарт. Стандартлаштириш бўйича ишларни камайтириш учун асосий объектга таъсири оз элементлар ҳисобга олинмайди. Стандартлаштириш пайтида тавсифлар тизими ва ўзаро боғланган моддий ва номоддий элементлар мажмуига бўлган талаблар кўрилади. Бунда элементларга бўлган талаблар Стандартлаштиришнинг асосий объектига бўлган талаблардан келиб чиқиб аниқланади. Юқори сифатли маҳсулот олишга шароитлар яратиш ва ишлаб чиқариш самарасини ошириш учун маҳсулотнинг барча ҳаётий цикллари — лойиҳалаш, серияли ишлаб чиқариш ва фойдаланишларни — қамраб оладиган рационал стандартлар тизими зарур.

Стандартлар тараққий парварлиги ва мақбуллаштириш тамойили. Стандартлар орқали жорий қилинган кўрсаткичлар, меъёрлар, тавсифлар ва талаблар илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон даражасига мос бўлиши керак. Улар Стандартлаштириш объектларининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиши лозим. Фақат маҳсулотнинг янги (оширилган)

сифатини ҳисобга олмай, балки уни ишлаб чиқаришга, материал ва фойдаланишга бўлган харажатларни ҳисобга олиб иқтисодий мақбул кўрсаткичларини жорий қилиш керак яъни иложи борица кам харажат қилиб, максимал иқтисодий самарага эришиш даркор. Бу мақсадга эришишга илгарилаб ва мажмуий стандартлаштириш кўмаклашади.

1.3. Стандартлаштириш соҳасидаги фаолият ва унга давлатларнинг эътибори.


Фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича ўзаро алмашинувчанликни таъминлайдиган бу тамойил мажмуий ва илгарилаб стандартлаштириш ҳамда буюмлар, уларнинг техникавий шартлари ва бошқаларни стандартлаштиришда асосийдир. Стандартларни ўзаро мувофиқлаштириш тамойили. Умумтехник ва тармоқлараро стандартлар турлари кўплигида уларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Стандартларнинг барча турларига тааллуқлик бўлган кўрилатган тамойил муҳимлиги ва самаралилигининг энг ишончли мисоли мажмуий Стандартлаштириш усулидир. Стандартлаштириш соҳасидаги атама ва таърифларнинг ўзаро мувофиқлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Стандартлар ишлаб чиқаришнинг илмий-тадқиқий тамойили стандартлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни муваффақиятли татбиқ қилиш учун нафақат амалий тажрибаларни кенг умумлаштириш, балки махсус назарий, экспериментал ва тажрибавий-конструкторлик ишларни ўтказиш зарур. Бу тамойил стандартларнинг барча турларига тааллуқли.

Афзаллик тамойили. Одатда деталлар ва намунавий бирикмаларнинг ўлчам ва турлари, ўтказмалар, жоизликлар қаторлари ва бошқа параметрлар бир вақтни ўзида ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқлари учун стандартлаштиради, шунинг учун бундай стандартлар параметрларнинг катта кўламини қамраб олади. Ўзаро алмашинувчанлик даражасини ошириш, саноатнинг турли соҳаларида қўлланадиган буюмлар, тайёрламалар ўлчам ва турларини, ўлчамли кесувчи асбоблар, мослама ва калибрлар номенклатурасини камайтириш ҳамда

самарали ихтисослашиш ва заводлар кооперациялашиши учун шароитлар яратиш, маҳсулотни арзонлаштириш мақсадида бир хиллаштириш (унификация)да афзаллик тамойили кўлланади. Бу тамойилга биноан стандартлаштирилаётган параметрлар қийматларининг бир неча (масалан, учта) қаторлари жорий қилинади, бунда биринчи қатор иккинчисига нисбатан, иккинчиси учинчисига нисбатан афзалроқ кўрилади. Бундай тамойил бўйича метрик резбанинг диаметрлари ва қадамлари қаторлари, меъёрий бурчаклар қаторлари, силлиқ цилиндрик бирикмалар жоизлик ва ўтказмалари стандартлари ва бошқалар тузилган. Ундан ташқари қўллашга рухсат бериладиган буюмлар параметрлари, турлари ва ўлчамларини зарурий минимумга келтирадиган тармоқга чекловчи стандартларни яратиш тавсия этилади.

Динамиклик тамойили. Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун стандартлаштириш объектларига бўлган талабларни техникавий тараққиёт талабларига мувофиқ даражага келтириш мақсадида даврий қайта кўриб туриш зарур.



Хозирги кунда халқаро стандартлаштириш ташкилоти 168 дан ортиқ давлатларни ўз қаторига қўшган, унинг штаб квартираси Швейцариянинг

Женева шаҳрида жойлашган. ISO ташкилотига ҳар бир давлатдан биттадан мутахассис аъзо бўлиб кириши мумкин.

Халқаро ISO стандартлари таркибида 5 та асосий стандартлари версияси мавжуд:

- I. ISO – 9000:2015 “Сифат менежменти системаси” – бунда сифат менежментининг умумий принциплари, ISO – 9000 сериясига кирувчи асосий қоидаларни ва тармоқнинг ўзига хос белгилари, атамаларини аниқлайди.
- II. ISO – 9001:2015 “Сифат менежменти системаси талаблари” сифат менежменти системаси талабларини белгилайди, хужжатлаштиради, ишлаб чиқаради. Ушбу стандарт сифат менежмент системаси мақсадларни, оддий ва сертификатлаш тамойилларини ишлаб чиқади.
- III. ISO 9004: 2015 “Сифат менежменти системаси. Фаолиятни яхшилашга қаратилган”дир. У методик кўрсатмалар ва фаолиятни яхшиловчи асосий тамойилларни ишлаб чиқади. Бу стандартда тавсия этилган талаблар ISO – 9001 : 2015 нисбатан анча такомиллашгандир. Унда корхона ва ташкилотлар фаолиятини “Сифат менежменти” асосида янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ ишланмалар келтирилган. Юқоридаги стандарт сертификаташтиришга ва норматив хужжатларни ишлаб чиқишга, техник регламентларни ва турли контрактлар тузишга қаратилмаган.
- IV. ISO 19011:2015 сифат менежменти системаси бўйича аудит кўрсатмалари ёки “Экологик менежмент” системасига оид норматив тавсиялар, аудит бўйича ишланмалар, аудитни олиб боришда қафолатли хизмат кўрсатишга қаратилган.
- V. ISO – 10012:2000 “Ўлчов – метрология менежменти тизими”. Ўлчов жараёнлари ва ўлчов асбоб ускуналарига бўлган талабларни бошқариш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган.


Масалан, Россия Федерацияси стандартларига мувофиқ ИСО 9000:2001 сифат менежменти системасида асосий шартлар ва луғатдир.

Республикада Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22.02 даги 83 - сонли қарорида сифатни бошқаришда халқаро стандартларни жорий этиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Қарорда кўзда тутилган асосий масала товар ва хизматларни рақобатбардошлигини, ички ва ташқи бозорни халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган таварлар билан таъминлашга қаратилган.

Sifatni boshqarish tizimi: Taraqqiyot omili

2016 yil 1 dekabr holatiga respublikamizning 3306 ta (shu jumladan 386 ta korxonada xalqaro darajada sertifikatlashtirilgan) korxonasida xalqaro standartlarga muvofiq sifatni boshqarish tizimlari joriy etildi va 3431 ta muvofiqlik sertifikati rasmiylashtirildi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 19 oktyabrdagi 298-sonli bayoni bilan hududlar, vazirliklar kesmida jami 3010 ta korxonada tasdiqlangan Dastur asosida 2016-2019 yillarda sifatni boshqarsih tizimlarni joriy etish ishlari olib borilmoqda. Shundan:



Товар ва хизматлар рақобатбардошлигини, маҳсулотни халқаро бозорда ўз ўрнини топиши учун “Ўзстандарт” агентлиги қошида мустақил фаолият юритувчи “Сифат менежменти” тизимини жорий этиш бўлими ташкил этилган бўлиб, у ўзини ижобий натижаларини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг

умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамғармаларини ҳосил қиладилар ва юритадилар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайдилар. Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқлаган органлар амалга оширадилар.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси “Ўзстандарт” агентлигининг Давлат реестрига киритилган “Мувофиқликни боҳолаш идоралари” 28та 01.05.2017 йил ҳолатига кўра;


Ўзбекистон Республикасида аккредитацияланган консалтинг ва инспекция корхона, ташкилотларнинг 62та 01.05.2017 йил ҳолатига кўра;

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида Давлат реестрига киритилган аккредитация қилинган синов лабораторияларининг сони 495та 01.05.2017 йил ҳолатига кўра;

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизими Давлат реестрига киритилган аккредитация қилинган маҳсулот (хизмат)ларни сертификатлаштириш идораларининг 152та 01.05.2017 йил ҳолатига кўра;

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида Давлат реестрига киритилган аккредитация қилинган сифат менежменти тизимларини сертификатлаштириш идораларининг 43та 01.05.2017 йил ҳолатига кўра;

Рақамлар шуни кўрсатадики, Синов лабораторияси, Мувофиқликни баҳолаш идоралари, аккредитацияланган консалтинг ва инспекция корхона ташкилотлари, Аккредитация қилинган синов лабораториялари, Аккредитация қилинган маҳсулот (хизмат)ларни сертификатлаштириш идоралари, Сифат менежменти тизимларини сертификатлаштириш идоралари ўсиш билан бир қаторда сифат даражаси ҳам ортиб бормоқда.



II-БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ.

2.1. Ўзбекистонда маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартларга жорий этиш.

Белгиланган маҳсулотнинг сифат корсаткичларининг номенклатурасини танлаш, бу кўрсаткичларнинг қийматларини аниқлаш ва уларни асос бўлувчи қийматлар билан таққослашни ўз ичига оладиган ишларнинг йиғиндиси маҳсулот сифат даражасини баҳолаш деб аталади. Маҳсулот сифатини баҳолаш учун маҳсулотлар иккита туркумга бўлинади:

- Фойдаланишга сарфланадиган маҳсулот
- Ўз ресурсларини сарфлайдиган маҳсулот
- Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари ва вазифалари
- Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:
- маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда “маҳсулот” деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;
- маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлаш;
- фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини ошириш;
- барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашиш, ишлаб чиқаришнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;

- ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойихаларни амалга ошириш;
- табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавкулотда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш;
- истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш;
- мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлаш;

2012-2016 йилларда Ўзбекистонда маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши (фоизда)

Товар гуруҳи номланиши	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	5,4	5,8	5,9	5,9	6,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	9,1	9,8	10,4	10,6	11,2
Саноат маҳсулотлари	7,5	7,8	8,0	8,3	8,5
Кимё маҳсулотлари	4,9	6,8	7,3	8,4	10,1
Истеъмол таварлари	10,7	11	11,3	11,9	12,7
Хизматлар	15,9	14,4	13,8	11,2	12,8

Шундай бўлсада, бу маҳсулотларнинг сифат даражаси жаҳон стандартларига жавоб бера олади, уларнинг асосий қисми ички бозорга йўналтирилган.

Стандартлаштиришнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- истеъмолчи ва давлатнинг манфаати йўлида маҳсулотнинг сифати ва номларига нисбатан энг мақбул талабларни қўйиш;
- давлат фуқаролари ва хорижий мамлакатлар эҳтиёжи учун тайёрланган маҳсулотга керакли талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар тузилиши ва уни ишлаб чиқиш қоидаларини яратиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш, шунингдек, ҳужжатларни назорат қилиш;

- стандарт талабларининг саноати ривожланган хорижий мамлакатларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартлари талаблари билан уйғунлашувини таъминлаш;
- бир-бирига мослилигининг барча (конструктив, электрик, электромагнитли, ахборотли, дастурли ва бошқалар) турларини, шунингдек, махсулотнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш;

2.2. Стандартлаштириш хусусияти асосий қоидалар, атамалар ва тушунчалар

- **Стандартлаштириш** деганда мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта тадбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолият тушунилади. Бу фаолият стандартларни ва техникавий талабларни ишлаб чиқишда, нашр этишда ва тадбиқ қилишда намоён бўлади. Стандартлаштиришнинг муҳим натижалари одатда махсулот, жараён ва хизматларнинг белгиланган вазифага мос келиши, савдодаги ғовларни бартараф қилиш ҳамда илмий техникавий ҳамкорликка кўмаклашишда намоён бўлади. Одатда стандартлаштириш объекти сифатида стандартлаштириладиган нарсa (махсулот, жараён, хизмат) тушунилади. Стандартлаштириш фаолиятида халқаро ташкилотлар, барча мамлакатлар тегишли идоралари эркин ҳолда қатнашиб халқаро, минтақавий ва миллий стандартлаштириш ишларини олиб боришлари мумкин.
- **Минтақавий стандартлаштириш** деганда дунё миқёсида биргина жуғрофий ёки иқтисодий минтақасига қарашли мамлакатларнинг тегишли идоралари учун эркин ҳолда иштирок этишлари мумкин бўлган стандартлаштириш тушунилади.

- **Миллий стандартлаштириш** – бу муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш фаолиятидир. Стандартлаштириш ҳар хил фаолият турлари ва унинг натижаларига дахлдор қоидалар, умумий қонун-қоидалар ёки тавсифларни ўзида қамраб олган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.
- **Меъёрий ҳужжат** атамаси стандартлар, техникавий шартлар, шунингдек умумий кўрсатмалар, йўриқномалар ва қоидалар тушунчасини ҳам ўз ичига қамраб олади.



- **Давлат стандартлаштириш тизими**
- Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.
- Республика стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш:

- - халқ хўжалиги тармоқларида – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази «Ўздавстандарт»;
- - қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойҳалаш ва конструкциялашда – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси**);
- табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф - муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида – Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (**Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси**);
- - тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори - дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида – Ўзбекистон Республикаси (**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**) томонидан амалга оширилади.
- -харбий кийимларни сифатини оширишда халқаро стандартларга жавоб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси (**Мудофаа вазирлиги**) томонидан амалга оширилади.

«Стандартлаштириш туғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни, шунингдек қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изохларни ишлаб чиқадиладар, тасдиқлайдиладар, рўйхатга оладиладар, нашр этадиладар.

2.3. Стандартлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш идоралари.

- «Ўзстандарт» Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни вазирликлар, техникавий қўмиталар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг истиқболли режалари асосида тузилган йиллик режа бўйича амалга оширади.
- Республика стандартлаштириш режасига биринчи навбатда, миллий стандартлар талаблари билан уйғунлаштиришни, кишиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизликни, атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиниши, истеъмолчилар ҳукукининг ҳимоя қилинишини, миллий социал-иқтисодий ва миллий техникавий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган миллий стандартларни ишлаб чиқиш киритилади.
- Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва техникавий шартларини ишлаб чиқиш, одатда, ҳар бир манфаатдор корхона ва ташкилотнинг мухтор вакили бўлган мутахассислардан ташкил топган техникавий қўмиталар кучи билан ёки стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлари томонидан амалга оширилади.
- «Ўзстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (бириктирилган соҳалар бўйича) республика стандартларини қўриб чиқадилар, тасдиқлайдилар, уларнинг қўлланиш муддатини чўзадилар ва бекор қиладилар ҳамда ўзгартиришлар киритадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 19-октябрдаги 298-сонли баёни билан ҳудудлар, вазирлик ва идоралар кесимида жами 30109 та корхонада тасдиқланган дастур асосида 2016-2019 йилларда сифатни бошқариш тизимларни жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Корхоналарда халқаро ИСО 9001 “Сифатни бошқариш тизими”нинг жорий этилаётгани эса

юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилигини оширяпти. 2016-йилнинг ўзида 1079 та корхонада менежмент тизимини жорий этилди ва сертификатлаштирилди. 3431 та мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилган. Маҳсулотларимизнинг стандарти ва сифати уйғунлиги боис бугунги рақобат майдонида ҳам бозори чакқон. Товарларимиз ёрлиғида эса ИСО 9001 белгисини кўрган ҳар қандай хорижлик ишбилармон ҳеч иккиланмай маҳсулотимизга харидор бўляпти. Маҳсулотларимизнинг ушбу мақомга эга бўлишида эса “Ўзстандарт” агентлиги ва унинг “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси ҳамда унинг ҳудудий марказларининг ўрни каттадир. Зеро, ишлаб чиқарилаётган, мамлакатимиз ҳудудига четдан келтирилаётган маҳсулотларнинг сифати, истеъмол учун безарарлигини таъминлашга кўп жиҳатдан айна шу идора масъулдир.


Стандарт – бу меъёрий ҳужжатдир. Маҳсулот рақобатбардошлигининг асосий мезони нарх ва сифатдир. Бозор иқтисодиёти ҳамда нархлар ўртасидаги рақобат ўсиб бораётган шароитда истеъмолчиларни фақат юқори сифат билан жалб қилиш мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш, ички бозорни сифатсиз озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлардан муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида” ва “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”ги қонунлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси тўла таъминланиб келмоқда.

Бугун бутун дунёда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларнинг алмашинувида стандартлар, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, бажарилаётган ишлар ёки кўрсатилаётган хизматлардан ихтиёрий равишда ва кўп маротаба фойдаланиш мақсадида уларнинг тавсифини белгилашга қаратилган ҳужжатлар муҳим асос ҳисобланади. Стандартлар муайян белгиларни, хусусан, маҳсулотнинг маркаси, тамғаси, ўлчов бирликлари каби қоидаларни ҳам қамраб олади. Лекин

стандартларнинг мажбурий талабларга мувофиқлигига баҳо бермасдан, яъни объектга қўйиладиган талабларга риоя этиш зарурлигини бевосита ёки билвосита аниқламай туриб, улардан фойдаланиб бўлмайди.

Корхона ва муассасаларда стандартлаштириш соҳасида олиб бориладиган ишлар мажмуи корхонада стандартлаштириш дейилади. Стандартлаштиришнинг бу тури давлат стандартлаштириш тизимининг ташкилий қисми бўлиб мустақил аҳамиятга эгадир ва корхона ишлаб чиқаришига, фаолиятига маълум таъсир қилади. Корхонада стандартлаштиришнинг йўналиши ва тавсифи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хусусиятларига ва турларига ҳамда бошқа факторларга боғлиқ бўлади.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг деталлари, узеллари, технолохик жараёнлар, технолохик курилмалар ва асбоблар, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш ҳамда маҳсулот сифати ва ш.к.лар стандартлаштириш объектлари бўлиши мумкин. Корхоналарда уч хилдаги чегараловчи, тўлдирувчи ва оригинал стандартлар ишлаб чиқилиши мумкин.



Чегараловчи ва тўлдирувчи стандартлар давлат стандартларининг кўрсаткичлари ва тавсифларини ёмонлаштириши мумкин эмас.

Оригинал стандартлар стандартлаштирилаётган объектларга давлат стандартлари йўқ бўлса корхонада ишлаб чиқилиши мумкин.

Корхона ва муассасаларда стандартлаштириш билан бош мухандис раҳбарлигида стандартлаштириш бўлими ёки бюроси тегишли ваколатли ташкилот томонидан ташкилий-услубий раҳбарлиги остида шуғулланади. Бўлимлар ёки бюроларнинг асосий функциясига тегишли барча стандартларни корхонада тадбиқ қилиш; корхона стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш; технолохик жараёнлар ва технолохик хужжатларни унификация қилиш ва ш.к. қиради. Айниқса корхонада ишлаб чиқарилган техник хужжатларни меъёрий назорати асосий вазифасидан биридир.

Ш-БОБ

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ: АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР

3.1 Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги асосий тамойиллари.

Дунё бозорида рақобат кучли бўлган бир пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган турли хилдаги саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқи бозорда ўз ўрнини топиб, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Меъёрлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш аслида маҳсулот ишлаб чиқаришни лойиҳалашдан тортиб, истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатлар ўртасида савдо ва иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, халқаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 1947 йилда йирик халқаро ташкилот – Бутун жаҳон савдо ташкилоти ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда унда дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатлари турли шаклларда иштирок этади.

Маҳсулотни сифатини корсаткичлари номенклатурасини танлаб олишни асослаш қуйидагиларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади

- Маҳсулотни ишлатишдаги шароитларни ва вазифасини
- Истемолчилар талабларининг таҳлилини
- Маҳсулот сифатининг тавсифланувчи таркибини ва тузилишини
- Сифат кўрсаткичларига бўлган асосий талабларни

Маҳсулот сифатига тасир этувчи омилларни 4 тоифага бўлиш мумкин:

- Техникавий
- Ташкилий
- Иқтисодий
- Ижтимоий



Сифатнинг босқичлари


- Маҳсулот сифати, кишилар ҳаётининг ривожини, унинг сифати олдиндан яратилган сифат фундаментида боғлиқдир
- Сифатнинг юқори даражаси бу юртимизнинг илмий-техникавий юксалиши билан чамбарчас боғлиқдир
- Илмий техникавий юксалиш эса сифатнинг асосий уч белгиси бўлган-стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ривожини таъминлаб беради

- Сифатнинг 3 асосий белгиси дунёда мавжуд бўлган ва фаолият юритаётган стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар: халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО) метрология соҳасида қонунлаштирувчи халқаро ташкилот (МОЗМ), халқаро савдо ташкилоти (ВТО) ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда

Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги асосий тамойиллари

Маҳсулот рақобатбардошлилигининг асосий мезони нарх ва сифатдир. Бугунги кунда истеъмолчиларни фақат юқори сифат билан жалб этиш мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатини тامينлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 30-июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга асосан, 2014-2018 йилларда жами 35та, шу жумладан, 31та умумий ва 4та махсус техник регламентлар ишлаб чиқирилиши кўзда тутилган. Хавфсиз ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашда нафақат мажбурий талабларни белгилаш, балки ушбу талабларга маҳсулот қай даражада мос келишини баҳолаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

- ИСО 9001 сериясидаги халқаро стандартга асосан сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш билан бирга, қуйидаги тизимларни жорий этиш ишлари ҳам фаоллашмоқда:
- саноат хавфсизлиги менежменти (OHSAS 18001)-ҳозирга қадар республиканинг 68та корхонаси сертификатлаштирилган
- Экологик менежменти (ИСО 14001)-53
- Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик менежменти(ИСО 22000)-68
- Энергоменежмент(ИСО 50001)-2
- Яхши ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)



Дунё товар айланмасининг 90 фоизидан ортиғи мазкур халқаро ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бутун жаҳон савдо ташкилоти томонидан ишлаб чиқарилган таърифлар ва савдо бўйича бош келишув 1947 йилдан буён амал қилиб келмоқда. Ўтган асрнинг 70 йилларида кўп томонлама ўтказилган музокаралар натижасида ушбу келишувга бир қатор қўшимча келишувлар, жумладан, савдодаги техник тўсиқлар бўйича қўшимча келишув имзоланган. Мазкур келишувга асосан, уч гуруҳдаги талаблар, хусусан, меъёрлаштириш ва мувофиқликни баҳолашда янги, глобал ёндашув тамойилларига асос солинди.

Стандарт ва Стандартларнинг тоифалари ва турлари

Стандарт сўзи инглизча стандарт сўзидан олинган бўлиб меъёр, ўлчам, андоза деган маноларни билдириб меъёрий ҳужжат номи билан юритилади. Стандарт- кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқилган ва маълум соҳаларда энг мақбул даражали тартиблаштиришга қаратилган фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий қоидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгиланган ва тан олинган идора томонида тасдиқланган меъёрий ҳужжатдир.

- Стандартлар фан, техника ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланган ва жамият учун юқори даражадаги фойдага эришишга ёналтирилган бўлиши керак

Стандартларнинг тоифалари ва турлари

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

- - халқаро (давлатлараро, минтакавий) стандартлар;
- - Ўзбекистон Республикасининг стандартлари;
- - тармок стандартлари;
- - техник шартлар;
- - корхона стандартлари;
- - хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш коидалари, нормалари, техник-иктисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби «Ўздавстандарт» томонидан белгиланади.

Стандартлаштириш объектларига ўз навбатида қуйидагилар киради:

- - ягона техникавий тилни қўшиб ҳисоблаганда умумтехникавий объектлар, умумий машинасозликда қўлланиладиган буюмларнинг наъмунавий конструкциялари, материаллар ва моддаларнинг хусусияти хақидаки ишончли маълумотлар, техникавий-иктисодий ахборотни тавсифлаш ва кодлаш;
- - аниқ мақсадга йўналтирилган давлат илмий-техникавий ва ижтимоий-иктисодий дастурлар ва лойиха объектлари;

- - республикага (ёки муайян корхоналарга) махсулот ёки технологиясининг рақобат қилиш қобилиятини оширишни таъминлаш имкониятини берадиган фан ва техника ютуқлари;
- - республикада ички эҳтиёжини кондириш учун, шунингдек, бошқа давлатларга экспорт сифатида етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган махсулотлари;
- - стандартларнинг талаблари ва техникавий шартларини халқаро, минтақавий ва саноати ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари талаблари билан уйғунлаштириш.
-

korxonada (yuqoridagi grafik asosida) SBT ni joriy etish va sertifikatlashtirish ishlari rejalashtirilgan.

2016 yilda 785 ta hududiy miqyosdagi vazirlik va idoralar tarkibiga kiruvchi korxonalarda sifatni boshqarsih tizimlarni joriy etish rejalashtirilgan.

joriy yilning o'tgan davrida sifatni boshqarish tizimlari 1079 ta (137,5%) korxonada joriy qilingan bo'lib, jami sertifikatlashtirilgan korxonalar soni 3306 tani tashkil etmoqda. Shu nilan birga 3431 ta muvofiqlik sertifikatlari rasmiylashtirildi. Quyidagi korxona sertifikatlashtirilgan (jadval).

Sifatni boshqarish tizimlari (ISO 9001)	3134
Sanoat xavfsizligi menejmenti (OHSAS 18001)	68 ta
Ekologik menejment (ISO 14001)	54 ta
Oziq ovqat mahsulotlarining xavfsizlik menejmenti (ISO 22000)	72 ta
Integrallashgan menejment tizim	55 ta
Yaxshi ishlab chiqarish amaliyoti (GMP)	9 ta
Mashinasozlik va muvofiq ravishda butlovchi qisimlarni yetkazib beruvchi korxonalarda sifat menejmenti (ISO 16949)	34 ta
Energomenejment tizimi (ISO 5000)	5 ta

Стандартларни ишлаб чиқиш тартиби

Стандартларни ишлаб чиқишда ташкилий услубий бирликка эришиш мақсадида ҳамда стандартни ишлаб чиқиш босқичлари бажарилишини назорат қилиш учун 4 босқич жорий этилади.

- 1-босқич – зарурият тухилханда стандартни ишлаб чиқишда техникавий топшириқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;
- 2-босқич – стандарт лойихасини ишлаб чиқиш (биринчи таҳрири) ва уни фикр-мулоҳазалар олиш учун юбориш;
- 3-босқич – фикр-мулоҳазалар устида ишлаш, стандарт лойихасини (охирхи таҳририни) ишлаб чиқиш, қелишиш ва тасдиқлашга тақдим этиш;
- 4-босқич – стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

Стандартларни ишлаб чиқиш босқичларини бир-бири билан қўшиб олиб боришга йул қўйилади. Ишлаб чиқувчи ташкилот билан бошқа манфаатдор ташкилотлар орасида стандарт лойихаси ёки асосий тадбирлар режаси лойихаси бўйича қелишмовчиликлар бўлса етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан қелишмовчиликларни муҳокама қилиш учун кенгаш ўтказилади.

- Кенгашга кўриб чиқилган стандарт лойихаси бўйича манфаатдор ташкилотларнинг ва буюртмачиларнинг вакиллари таклиф этилади.
- Кенгаш қарори унинг катнашчилари имзо чеккан баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада ёки унга илова қилинган алоҳида рўйхатда кенгаш иштирокчисининг ҳар бири қайд этилади.
- Кенгашда қабул қилинган қарорга биноан, стандарт лойихасининг сўнгги таҳрири тузилади ҳамда тушунтириш хати ва асосий тадбирлар

режасининг лойихаси аниқланади. Бундан ташқари тегишли ташкилотлар билан ҳам агар талаблар қўйилган бўлса келишиб олинади.



3.2.Стандартларни тасдиқлаш ва давлат руйхатдан ўтказиш тартиблари

«Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги номлари бўйича ўзларига тегишли стандартларнинг лойихалари ва ҳужжатларини кўпи билан 15 кун мобайнида кўриб чиқилиши, шунингдек, давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминлайдилар. «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги стандарт лойихаларини кўриб чиқади ва уни тасдиқлаш ёки кам-кўстини тўлдириб қайта ишлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Стандарт уни тасдиқлаган ташкилотнинг қарори билан тасдиқланади ва жорий қилинади. Стандарт муддати чекланмаган ёки муддати чекланган тарзда тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги стандартларни давлат рўйхатига олишни

«Ўздавстандарт» амалга оширади. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун стандарт 4 нусхада топширилиши лозим.

Корхона стандартларини корхона рахбари тасдиқлайди. Уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда тасдиқланади. Четдаги истемолчиларга ўтказиб бериш учун ишлаб чиқарилаётган (сотилаётган) маҳсулот учун ва уларга хизматлар кўрсатганлик учун корхона стандартларини давлат рўйхатидан ўтказиш «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ишлаб чиқувчи жойлашган ердаги минтақавий ташкилотлари амалга оширади. Корхона стандартларининг белгиси “KSt” индексидан, Ўзбекистон Республикаси номининг қисқартирмаси — “Ўзстандарт” корхона стандартларини тасдиқлаган ташкилотнинг шартли рақами белгисидан, корхона стандартининг тартиб рақамидан ва тасдиқланган йилнинг сўнгги икки рақамидан иборат бўлади.

Стандартларни қўллаш ва риоя этиш бўйича давлат назорати органлари ва объектлари

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга таалукли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек бошқа махсус вакил килинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар. Идоравий бўйсунуви ва мулк шаклидан катий назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади. Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга

ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт. Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини қуйдаги ҳолда амалга оширади:

- - стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспекторлари;
- - стандартларни назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари;
- - стандартларни назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Давлат назорати ва текширувнинг мақсад ва вазифалари

- Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.
- Давлат бошқарув органларининг вакиллари текширув жараёнида қуйидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширадилар:
- - хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига монеликсиз кириш;
- - хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотлар ҳамда маълумотлар олиш;
- - давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;
- стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари ҳамда нусхаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва

синовларни (тахлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларига киритилади;

- - махсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), махсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;
- - хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда махсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эгадир.


Назорат корхонларининг ҳуқуқий мавқелари

Стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспекторлари, стандартларни назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари:

- стандартлар бузилишида айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;
- - текширилган махсулотни ўзстандартларнинг мажбурий талабларига номувофик бўлган ҳолларда реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тақиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;
- - стандартларнинг мажбурий талабларига номувофик бўлган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган импорт махсулотни реализация қилишни ман этишда мутлақ ҳуқуққа эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида» ги қонуни IV бўлим ва 12 та моддадан ташкил топган бўлиб Республикада

стандартлаштиришга оид барча тегишли масалалар ёритилган. Қонунда умумий қоидалар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, стандартлар устидан давлат назорати, Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти бўлимларига катта эътибор берилиб республикада стандартлаштиришни ташкил қилиш учун етарли кўрсатмалар берилган. Қонунда халқаро шартномалар ва битимлар моддасида башарти халқаро шартнома ёки битимда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таърифланганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилиши келтирилади.



Йирик давлатларда халқаро стандартларга мувофиқлиги тўғрисида берилган сертификатларга эга корхоналар.

(Интернет саҳифаларидан олинган маълумот асосида малакавий ишида тайёрланган)

Стандартлаштириш ва назорат қилишни молиявий таъминлаш.

- Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишлар, хусусан:

- - халқаро (давлатлараро, минтакавий) стандартларни, сертификатлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- - аниқ стандартлаштириш объектлари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек стандартларнинг таркибий, ташкилий-техник ва умумтехник мажмуиларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;
- - техник-иқтисодий ахборот классификаторларини ишлаб чиқиш, улар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларга юбориш;
- - стандартлаштириш бўйича умумдавлат аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишларни олиб бориш;
- - стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;
- Давлат стандартларига, шу жумладан истиқболга мўлжалланган, анъанавий технолохияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий кўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши қонун томонидан қафолатланган.

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги

Фан ва техника ривожига билан меҳнатга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Дунё мамлакатларининг ҳар бирида меҳнат муҳофазасига доир қонун ва ҳужжатлар ўзига мос равишда ишлаб чиқилди. Республикаимизнинг Конституциясида ҳам ушбу масала пухта ишлаб чиқилган ва унинг ҳақиқий кўриниши кўйидагича қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топган:

-1992 йил 13 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги;

- 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва қаролатлари тўғрисидаги»;

- 1993 йил 6 майда эса Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонуни қабул қилинган.

1994 йил 1 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси қабул қилинди.

1995 йил 21 декабрида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси» қабул қилинди.

Атмосферага ҳар хил зарарли моддалар чиқарадиган корхоналарни аҳоли яшайдиган туманга нисбатан «шамоллар гулдастаси» томонига жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси конституциясига мувофиқ Давлатимиз фуқаролари, миллати ва иркидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлидирлар. Аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқи берилган. Шароити оғ'ир ва зарарли ишларда аёллар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади. Ҳомиладор аёлларнинг тунда ва ишдан ташқари вақтда ишлашлари чекланган.

Меҳнат ҳақидаги қонунлар асосларида, шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида ҳарорат шароитида бажариладиган ёки ифлосланиш билан бог'лиқ ишларда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга белгиланган меъёрларга мувофиқ бепул жамокор, махсус пояфзал ва бошқа

турдаги якка тартибдаги химоя воситалари, сут ёки унинг ўрнини боса оладиган бошқа озуқа маҳсулоти берилиши кўзда тутилган.

Янги технологик жараёнларнинг яратилиш, янги ашёларнинг қўлланиши принцип жиҳатдан янгича ёндошувни, меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг янги усуллар ҳамда воситаларини ишлаб чиқишни, шунингдек ана шу масалалар бўйича янги меъёртивларни яратишни тақозо этади. Шу сабабли меҳнат муҳофазасига доир меъёртив ҳужжатларни тартибга солиш зарурати пайдо бўлди. Бу ҳужжатлар давлат стандартлаштириш системасининг таркибий қисмига айланади.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари мажмуаси (МХСМ)-бу ўзаро боғлиқ стандартлар мажмуасидан иборат бўлиб, улар уч гуруҳга бўлинади ва қуйидагиларни белгилайди: хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларига доир умумий талаблар ҳамда меъёрлар; ишлаб чиқариш жараёнларига доир хавфсизликнинг умумий талаблари; ишловчиларни химоялаш воситаларига доир талаблар; меҳнат хавфсизлигини баҳолаш методикаси. Саноат корхоналарининг технологик ускуналарига доир умумий талаблари «Меҳнат хавфсизлиги талаблари мажмуаси. Саноат корхоналари учун технологик ускуналар. Хавфсизликнинг умумий талаблари» да баён этилган.

Ўзбекистон Вазирлар кенгашининг стандартлар бўйича Давлат қўмитаси стандартларини беш йил муддатга белгилайди; бу муддат ўтгандан сўнг улар янгиланади ва қайта кўриб чиқилади. МХСМ стандартлари умумдавлат, тармоқ республика миқёсида бо`лиши мумкин. Ушбу стандартларни ҳамма вазирликлар, идоралар, корхона ва муассасалар бажаришга мажбур. Уларга амал қилмаганлар қонун ёғли билан жазоланадилар.

Атмосферага ҳар хил зарарли моддалар чиқарадиган корхоналарни аҳоли яшайдиган туманга нисбатан «шамол йўналиши» томонига жойлаштирилади. Аҳоли ва корхоналар орасида санитария-химоя оралик (зона) бўлиши ҳисобга олинади. Бу масофа корхоналарни санитария жиҳатидан синфларга булинишига қараб, I синф учун – 1000 м, II синф учун – 500 м, III синф учун – 300 м,

ИБ синф учун – 100 м ва В синф учун – 50 м бўлиши керак. Баъзи холларда санитария ҳимоя оралиғи (зонаси) кенглиги Давлат санитария назорати инспекцияси талаби билан Давлат қурилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда 3 мартагача кенгайтирилиши мумкин. Санитария-ҳимоя оралиғида зарарлиги бўйича фақат қуйи синфга тааллуқли корхоналар ва ёрдамчи бинолар (омбор, ошхона, гараж ва х.к.) жойлаштирилиши мумкин. Шўртаннефтегаз Унитар шўба корхонаси И синфга тааллуқли бўлиб унга 1000 м масофада санитария ҳимоя зонаси барпо этилган.

Ҳар бир саноат корхонасида дам олиш, овқатланиш, уй ва иш кийимларини сақлаш, зарарсизлантириш, тузатиш, ювиш, ювиниш ва бошқа маданий санитария хизматлари учун мўлжалланган қўшимча бинолар уйлар бўлиши керак. Ишчи ва хизматчиларни эҳтиёжини қониқтирадиган санитария-маиший хизмат кўрсатиш уйларини-хоналарини таркиби, ҳажми СНиП 2.02.04-87, СН 245-71 СН-4088-86 нормаларига асосан аниқланади ва қурилади.

Ишлаб чиқариш микроиқлими меъёрлари меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси «Иш зонаси микроиқлими» билан асосан белгиланган. Улар гигиеник ва техник иқтисодий негиларига асосланган.

Корхонада машина ва механизмларнинг ҳаракат натижасида ҳар хил титрашлар вужудга келади. Бу титрашлар баъзи участкаларда битта ва баъзи участкаларда бир неча машина механизмларнинг ҳаракати таъсирида бўлиб, баъзан зўрайиши ва баъзан сусайиши кузатилади ва бу организмга салбий таъсир кўрсатиши билан тавсифланади.

Титраш ҳосил қилувчи машиналар орасида транспорт воситалари, катта ҳажмдаги қоўзғолмас агрегатлар, қўлда ишлатиладиган машина ва механизмлар мавжуд.

Техника тараққиёти натижасида замонавий механика-машинасозлик корхоналарида турли туман жиҳозларнинг кириб келиши, шунингдек бу машиналарнинг унумдорлигини оширишга талабнинг кучайганлиги, машиналарнинг иложи бориша кам материал сарфлаб, қўл билан бажариладиган

вазифаларни механизмлар зиммасига юклаш натижалари инсонга таъсир этувчи қо`шимча ҳодиса, титраш ҳодисасини келиб чиқишига олиб келди. Титраш саноатда ишчининг иш унумдорлигини камайтирибгина қолмасдан, балки унинг соғлигига ҳам таъсир ко`рсатиши ва бу таъсирнинг олди вақтлироқ олинмаса, хавфли титраш касаллигига олиб келиши аниқланди. Шунинг учун ҳам титрашга қарши кураш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон техника тараққиёти даврида саноат корхоналарида шовқинга қарши кураш масалалари муҳим масалалар қаторига киради. Бу масала асосан машинасозлик саноатида транспорт воситаларини ишлатишда ва энергетика саноатида жуда жиддий масала бўлиб турибди.

Шовқин биринчи навбатда ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни маънавий толиқтиради, шовқин чиқарувчи машиналарни ишлатаётган ишчилар ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқараётган операторлар ишига халал бериб, уларни ҳар хил ҳатоликларга йўл қўйишларига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлаб-чиқариш жароҳатланишлари келиб чиқишининг асосий манбаи ҳисобланади.

Катта шовқин таъсирида инсоннинг асаб системалари зиркиллайди, эшитиш органининг сусайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ишчиларга махсус шахсий ҳимоя воситалари берилиш зарур.

Электрхавфсизлик(ГОСТ 12.1.009-76) – ташкилий ва техник чора-тадбирлар тизими ва воситаларидир, улар одамларни электр майдонидан ва статик (турғун) электр токини зарарли ва хавфли таъсирдан ҳимояланишини таъминлайди.

Электр токидан жароҳатланиш ко`пинча муҳитга бог`лиқ, қаерда электр қурилмалар ишлатилса, электр қурилмаларнинг ток ўтказадиган ва симларнинг ҳимоя қисмларини юқори намлик, газларнинг таъсири секин-аста емиради. Атроф муҳит намлигининг юқори бўлиши тана қаршилигини камайтиради.

Корхонада шахсий ҳимоя воситаларидан махсус кийимлар, каскалар, респираторлар, резина этик, қўлқоп, кўзойнак, газ ниқоб ва бошқалар қўлланилади.

Ишлаб чиқариш шароитига қараб қисқа вақт ичида тўсатдан ажралиб чиқадиган ва бино хажмига тарқалиши мумкин бўлган зарарли, портлашга хавфли газ, буғларни тоза ҳаво билан алмаштириш ва хавф хатарни олдини олиш мақсадида авария шамоллатгичларни-вентиляторларни маълум жойларга ўрнатиш ҳисобга олинади.

Саноат корхоналарининг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш борасида корхона хоналарини, майдонларини ёритиш алоҳида ўринда туради. Ишлаб чиқариш корхоналарининг хоналари кундуз кунлари одатда табиий ёрилади. Баъзибир хоналар, масалан, технологик жарайнда табиий ёритилиш салбий таъсир кўрсатадиган ишлар, ишчиларни ҳамма вақт бўлиши шарт бўлмаган жойлар, жойланиши бўйича табиий ёритилиш имконияти бўлмаган ерлар-ер ости хоналари, қурилмалари ва омборлар ҳамма вақт сунъий ёритилиши мумкин.

Ёритиш тизимларини турларини танлаш асосан бажарилаётган ишнинг технологик жарайнига, категориясига боғлиқ бўлиб СНиП-2.01.05-98 асосида белгиланади.

Техник ва хўжалик мақсадлари учун ишлатиладиган сув юмшоқлиги, таркиби, биологик хусусияти ва чиришга қарши кўрсаткичи билан қўйилган талабларга жавоб бериши керак. Агар сув сифати талабга жавоб бермаса, у ҳолда ишлатилган сув қайта тозаланади. Ичимлик ва хўжалик мақсадлари учун керакли бўлган сув ЎзДТС 950:2000 талабларига жавоб бериши керак.

Корхонада ёнғин муҳофазаси уч хил – касбий, маъмурий ва жамоат усулида амалга оширилади. Касбий ёнғин муҳофазаси объектларда амалга оширилади. Харбийлашган касбий ёнғин муҳофазаси таркибида отряд, қисмлар бўлиб, улар замонавий аппарат-асбоблар билан таъминланган ва мўлжалланган жойларда ёнғинга қарши норма ва қоидаларга амал қилиниши устидан

кундалик назорат олиб боради. Касбий ёнғин муҳофазаси халқ хўжалигини турли тармоқларида амалга оширилади, ташкил этилади.

Маъмурий ёнғин муҳофазаси корхона, тсех, бўлим ва бошқа жойлар бўйича ёнғин хавфсизлигига тайинланган шахс жавоб беради. Ишни ташкил этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун корхонада технологик ва ишлаб чиқариш сабабларига оид ёнғиндан огохлантириш мақсадида бош мухандис раҳбарлигида «Ёнғин техник комиссияси» (ЙТК) ташкил этилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ёнғинга-портлашга хавфлилиги жаройн бажарилишида қўлланадиган хомашйга, турига боғлиқ, чунки енгил алангаланадиган ва ёнадиган суюқликлар, ёнувчи газлар, суюлтирилган газлар, ёнувчи қаттиқ моддалар ишлатилиши мумкин.

Технологик лойихалаш умумий норма СанПиН 2.01.02.85, (ОНТП-24-86) ларига асосан барча корхона ва ишлаб чиқариш бинолари қўлланадиган ва олинадиган моддаларга қараб ёнғин, портлаш хавфсизлиги бўйича корхона А категорияга киради. Портлашга хавфлилиги бўйича В-1 синфига киради.

Ишлаб чиқариш корхона биноларини, иншоотларни талабга мос келадиган чидамлилиқ даражаси СНиП-11-01.02-85, ОНТП-24-86 га асосан ёнғин хавфсизлиги категориясига, майдон юзасига, қаватлар сонига қараб аниқланади.

Бинодаги ёнғинни тарқалишини чеклайдиган мосламалар қўлланилади. Уларга ёнғинга қарши деворлар, (брандмауер), йўлаклар, тўсиқлар, эшиклар, дарвозалар, деразалар, люклар, клапанлар, портлашга қарши мосламалар мисол булаолади.

Ёнғинга қарши тўсиқлар йнмайдиган материаллардан тайёрланган бўлиши ва ўтга чидамлилиқ даражаси талабга мувофиқ бўлиши керак.

Ёнғинни бир бино, иншоотдан бошқа жойга ўтиб тарқалишидан огохлантириш мақсадида қурилиш норма ва қоидаларига асосан маълум масофада ёнғиндан химоя бушлиги ҳисобга олинади.

Ёнғин хавфсизлиги норма, қоидаларига асосан эвакуация юллари ўтга чидамли материаллардан таййрланиши, ҳаракат йўлида бегона тўсиқлар бўлмаслиги керак. Чиқиш юли кенглиги камида 0,8-1,0м бўлиши талаб қилинади.

Портлашга хавфли зоналарда қўллаш, ишлатиш учун электр ускуна, мослама, қурилмаларни танлаш ва ўрнатишда ГОСТ 12.1.004-85 талабларига биноан портлашга хавфли зона, шунингдек, аралашмаларни синфланиши ҳисобга олинади.

Корхонада яшин қайтаргичлар қўлланилади.

Юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларга қуйидагилар киради:

1. Табiiй тусдаги ФВ;
2. Техноген тусдаги ФВ;
3. Экологик тусдаги ФВларга бо`линади.

Табiiй тусдаги фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ҳодисалар киради:

- 1) геологик хавфли ҳодисалар: zilзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқалар
- 2) гидрометрологик хавфли ҳодисалар: сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқалар
- 3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар; алоҳида хавфли инфексиялар (ўлат, вабо. сарғайма, иситма) юқумли касалликлар, терлама, Брил касаллиги, зооноз тинфексиялар- Сибир яраси, кутуриш, вирусли инфексиялар- СПИД;

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазият киради:

- 1) Транспортлардаги авария ва ҳалокатлар (кема, самолёт, темир йўл, вокзал,)
- 2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар;
- 3) Ёнг`ин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар;
- 4) Энергетика ва коммунал тизимдаги авариялар; (ГЕС, ГРЭС)
- 5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушуши билан бог`лиқ авариялар;

- 6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар;
- 7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар; (сув омборлари, каналлар)

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

- 1) Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар (фойдали қазилмаларни қазилмоқчилик чоғида, ҳалокатли кўчкилар)
- 2) Атмосфера таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар; (ҳаво муҳитининг зарарли газлар билан ифлосланиши)
- 3) Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар; Ер юзаси ва ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари.

Гидротехника иншоотидаги фавқулодда вазият муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек, гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғи ёки атроф муҳитга зарар етказилишига олиб келган вазиятдир.

Сув омборларидаги, дарёлардаги, каналлардаги гидротехника иншоотининг (ГТИ) бузулиши, баланд тоғ кўлларида сув уриб кетиши натижасида сув босилиши, ҳалокатлар ва ҳалокатларга олиб келади ҳамда одамлар қурбон бўлишига, саноат ва қишлоқ хўжалиги ва объектларининг ишини тўхлатиб чиқаришга, сув босган жойлардаги аҳолининг ҳаёт фаолияти бузулишига сабаб бўлади ва шунинг учун эвакуация тадбирлари ўтказишни талаб қилади.


Республикада гидродинамик хавфли объектлар (ГХО) жуда кўп бўлиб, аҳоли ва ҳудудларда хатар манбаи ҳисобланилади ва муайян шароитда фавқулодда вазият ўчоғига айланиб кетиши мумкин.

Улар асосий, махсус ва ёрдамчи воситаларга бўлинади. Асосий воситалар - ёнғинга ўт ўчиргич моддаларни (сув, кўпик, кукун, карбонат ангидрид ва

ва бошқ.) сепиш учун белгиланган. Буларга автомобил, автосистерна, мотопомпа, ўт ўчиргичлар ра бошқалар киради.

Махсус воситалар - ёнғинни ўчиришда махсус ишларни бажариш учун ишлатилади. Уларга автонаровонлар ва тирсакли кўтаргичлар, ёритиш ва алоқа автомобиллари, шунингдек оператив автомобиллар киради.

Ёрдамчи воситалар - ёнғинни ўчиришдаги ишларни бажариш учун етарли шароит яратади. Буларга автосув қуйгичлар, юк автомобиллари, автобуслар, трактор ва бошқа машиналар киради.



Ёнғин ҳақида тезликда дарак-хабар бериш учун юқори хавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда даракчи воситалар ўрнатилади.

Иқтисодий қисм

Тармоқда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятида ҳар хил кимё саноати маҳсулотлари етиштирадилар, хизматларни бажарадилар. Улар даставвал натура шаклида ҳисобга олинади, кейин ҳар хил талабларни қондириш мақсадида сотилади, айирбошланади ҳамда истеъмол учун ишлатилади. Бу жараёнда етиштирилган маҳсулот, хизматларнинг қиймати пул-товар муносабатлари ёрдамида аниқланади.

Маълумки, ялпи маҳсулотнинг қиймати буюмлашган (С) ҳамда жонли меҳнат (В) харажатларидан, шунингдек, қышимча қийматидан (м) ташкил топади. Ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган моддий воситаларнинг қиймати ҳамда эскириш сўммаси (С) айирилиши натижасида тармоқнинг, корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат аниқланади (Вқм). У тармоқ миқёсида ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромад деб аталади. Маҳсулотларни сотиш, хизматлар кўрсатиш натижасида хўжаликнинг банклардаги жорий ва валюта счетларига кассасига келиб тушадиган маблағлар унинг пул тушумлари (даромадлари) ни ташкил этади. Шу пул тушумларидан сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатларини айириш натижасида корхонанинг ялпи фойдаси аниқланади. Ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, солиқлар, тўловлар, жарима ва пеня сўммалари айирилиши натижада соф фойда аниқланади.

Хўжаликлар ялпи маҳсулот миқдорини сифатини таъминлаган ҳолда кўпайтиришга эришсалар, ялпи даромад, ялпи ва соф фойда суммалари кўпайиши мумкин. Бу ҳол, ўз навбатида, корхона ишчи-хизматчиларини моддий рағбатлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади, уларнинг иш ҳақларини ошириш ҳамда мукофотлаш учун ҳам, маҳаллий ва давлат бюджетига ҳам ва ниҳоят, корхона ишлаб чиқаришини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заминида ривожлантириш учун ҳам кўпроқ маблағ ажратилади.

Натижада ишлаб чиқаришга янги техникалар, самарали технологияларни жорий этиш таъминланади. Бу ҳол меҳнат характери́ни ўзгартириб, унумдорлиги ошишини таъминлайди.

Демак, юқоридаги иқтисодий категориялар салмғи ва қийматининг ўсиши корхонанинг ҳам, давлатнинг ҳам иқтисодиёти, самарадорлик юксалиши негизидир. Шунинг учун бу масалага республикамизда алоҳида эътибор берилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ кимё саноатимаҳслотларининг харид баҳолари имконият доирасида оширилмоқда, тижорат банкларидан олинаётган кредитларнинг тўлаш муддатлари айрим вақтларда биров кечиктирилмоқда, қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит олишда, солиқлар тўлашда имтиёзлар яратилмоқда, чет эл инвестицияларини жалб этишда ёрдам кўрсатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги юксалишини таъминлайди. Бунинг учун корхоналар ўз фаолиятлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, ташкилий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирларни вақтида, сифатли ўтказишлари зарур.

Иқтисод фанларида «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари мавжуд. Улар мамлакат, тармоқ, корхона, йўналишлар ҳамда айрим маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин. «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ бўлган харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда суммаси қанча кўп бўлса, иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди. Масалан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан, ем-хашаклардан фойдаланиш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши ва бошқалар. Демак, «самарадорлик» ҳамда «иқтисодий самарадорлик» категориялари бир-бирлари билан боғлиқ бўлган энг муҳим кўрсаткичлар

ҳисобланади. Уларни юксалтириш учун корхоналар барча масалаларни ижобий ҳал этишлари лозим. Корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ошса, мамлакатимизнинг иқтисодиёти, халқимизнинг турмуш даражаси юксалади.

13.2. Даромадни, фойдани, иқтисодий самарадорликни аниқлаш тартиби

Кимё саноати корхоналарининг пул ва ялпи даромадлари, ялпи ҳамда соф фойда суммаларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг рентабеллигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки шу кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолияти молиявий таҳлил қилинади. Улар билан мамлакат ҳамда корхона иқтисоди бевосита боғлиқ. Уларни аниқлашда бир қанча маълумотлардан фойдаланилади. Корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади (тушумлари) жами сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига кыпайтириш натижасида аниқланади. Унда ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Пд = Cм \times Мб$$

Бунда: Пд – пул даромади (сўмда);

См – сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдори (тонна, цент.);

Мб – сотилган маҳсулотларнинг, қилинган хизматларнинг баҳолари, тарифлари.

Корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат сўммасини ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг эскирган қийматини, яъни амортизация суммасини (С) айириш натижасида аниқлаш мумкин. Унинг формуласи қуйидагича:

$$(C + V + m) - C = V + m$$

Бунда: С – асосий воситаларнинг амортизацияси суммаси, сымда;

В – иш ҳақи фонди, сўмда;

м - кўшимча қиймат, сўмда.

Корхонанинг ялпи фойдаси маҳсуот сотиш(хизмат кырсатиш)дан тушган пул даромадалридан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган

харажатларни айириш натижасида аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Яф = Cд - Cт$$

Бунда: Яф – ялпи фойда, сўмда;

Cд – маҳсулот сотишдан, иш, хизмат кўрсатишдан тушган пул, сўмда;

Cт – сотилган маҳсулот учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари, сўмда.

Корхонанинг соф фойдаси ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кўзда тutilмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айириш натижасида аниқланади. Буни ушбу тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Cф = Яф - (Дх + Мх + Кх)$$

Бунда: Cф – соф фойда суммаси;

Дх – давр харажатлари, сўмда;

Мх – молиявий харажатлар суммаси, сўмда;

Кх – кўзда тutilмаган тасодифий харажатлар, сўмда.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич рентабеллик ҳисобланади. Унинг даражасини аниқлаш учун соф фойда суммасини таннарх ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимлаб, 100% га кўпайтирилади. Унинг тенглиги қуйидагича:

$$Pд = \frac{Cф}{Cт} \times 100\%$$

Бунда: Pд – рентабеллик даражаси, фоизда.

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона, тармоқ миқёсида алоҳида маҳсулотларни етиштириш учун қилинган ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланади. Шу усул ёрдамида 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига олинган соф фойда суммаси аниқланади. Бунинг учун олинган соф фойда суммаси ишлаб чиқариш харажатларига тақсимланиши лозим. Бу кўрсаткичлар даражаси қанчалик юқори бўлса, бу

иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам юқори, яъни яхши эканлигидан далолат беради.

Корхона фаолиятининг рентабеллик меъёри, умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришда қатнашадиган ерларнинг ҳам, асосий воситаларнинг ҳам қийматлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Ернинг қиймати эса кимё саноатиерлари қийматини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма ёрдамида аниқланади. Бунда рентабеллик меъёри ушбу тенглик ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$P_H = \frac{C\phi}{A_{и\phi} + (A_{с\phi} \cdot E_K) + E_K} \times 100\%$$

Бунда: P_H – рентабеллик меъёри, фоизда;

$A_{и\phi}$ – айланма фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда;

$A_{с\phi}$ – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда;

E_K – асосий фондларнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти (0,12);

E_K - ернинг қиймати, сўмда.

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона ихтиёридаги барча ишлаб чиқариш ресурсларидан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланганлик даражаси аниқланади.

Хулоса



- Стандартлар махсулот сифатини бошқаришнинг энг асосий ва энг муҳим элементи. Улар махсулот сифати кўрсаткичини, махсулотни ташиш ва сақлаш усуллари ўзида акс эттиради.



- Ўзбекистон Республикасида техник қўмиталар мутахассислари – давлат органлари, давлат назорати идоралари ва бошқаларнинг шаклланиши мамлакатимизнинг меъёрий ҳужжатларини халқаро, ҳудудий ҳамда бошқа давлатларнинг меъёрий ҳужжатлари билан уйғунлаштирилиши мамлакатимизнинг сифатли ва рақобатбардош махсулот яратилиши борасидаги мавқеини оширади.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишини ўрганиш натижалари қуйидагиларни кўрсатди: Хулоса қилиб айтганда, сифатли ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқаришда иқтисодий фаолияти ривожланиши ва бошқаруви тизимини такомиллаштиришда сифатли маҳсулот ишлаб чиқишда халқаро стандартларининг тутган ўрнини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлашдан иборат.

1. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг дунё андозаларига мос равишда истеъмолчиларга етказиш сиёсатимизнинг энг устивор йўналишларидан бирига айланди.
2. Хамма даврда ҳам инсонлар талабини қондириш учун кераклик миқдорда ва кераклик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқиш учун ҳаракат қилиш жамият тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.
3. Дунёда ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқаришда унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ўша юртни, миллатни фаравонлигини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.
4. Барча соҳаларда маҳсулотлар ишлаб чиқаришда туб ислохатлар амалга оширилди. Буларнинг хаммаси халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган.
5. Ҳозирда сифат ва уни моҳияти корхонанинг ҳар томонлама ўсиши ва ривожланишига кафолат беради. Чунки сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш учун корхона, техника ва технологияни, ишчилар малакасини, бошқарув тизимини замон талаби даражасида шакиллантириш лозим.
6. Халқаро ISO– стандартлари талабига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш даркор.

7. Инсон ақл идроки,заковати билан ўрганаётган, шакллантираётган ҳамда ривожлантираётган қайси фанни уни йўналишини олмайлик,албатта ўлчашларга,уларнинг турли усулларига, воситалари ёрдамида бирлигини, ягона ўлчашни талаб этишини метрология фани орқалигина амалга оширилади. Шу сабабдан ҳозирдаги ҳар бир фан метрология билан боглиқ. Маҳсулот сифатини бошқариш деганда буюмларни истеъмолчилар талабларига бутунлай мос келувчи сифат таснифлари билан ишлаб чиқаришни таъминловчи, мақсадга қаратилган фаолият тушунилади.

- ☐ Маҳсулот сифатини баҳолаш ва уни бошқариш зарурияти:
- ☐ режалаштириш ва истиқболни белгилашда;
- ☐ янги маҳсулот яратиш вариантини танлашда;
- ☐ норматив (меъёрий) ҳужжатларни ишлаб чиқишда;
- ☐ маҳсулот сифатини назорат қилишда;
- ☐ маҳсулот сифатини оширгани учун ходимларни рабатлан-тиришда;
- ☐ сифат тўрисида ахборот йиғишни ташкил этишда ва ҳаказо ҳолларда вужудга келади.
- ☐ Сифатли товар деганда унинг мустаҳкамлиги, чидамлилиги, истеъмол хусусиятлари, ташқи кўриниши стандартлаштирилганлик ва такомиллаштирилганлик даражаси, тайёрланиш технологияси ва бошқаларни ўзида жам этган товар тушунилади.
- ☐ Маҳсулот сифати мазкур товардан, маълум ижтимоий эҳтиёжнинг мазкур истеъмол қийматидан қониққанлик даражасини ифодалайди. Маҳсулот сифати хом-ашё, ишлаб чиқариш воситаларининг сифатини оширишдан олинadиган иқтисодий самарада намоён бўлади.

- ☐ Хомашё сифатини оширишдан олинадиган иқтисодий самара:
- ☐ материаллар сарфи нормаларининг камайишида;
- ☐ унга ишлов беришга қилинадиган меҳнат сарфининг қисқаришида;
- ☐ пировард маҳсулот чиқишнинг кўпайишида;
- ☐ маҳсулот сифатининг яхшиланишида намоён бўлади.
- ☐ Машиналар сифатини оширишнинг самарадорлиги:
- ☐ меҳнат унумдорлигининг ошишида;
- ☐ машиналар чидамлилигининг ўзайишида;
- ☐ захирадаги машиналарга бўлган талабнинг қисқаришида;
- ☐ таъмир талаб машиналар сонининг камайишида;
- ☐ капитал сарфларига бўлган тежамкорликда намоён бўлади ва ҳоказо.

Белгиланган маҳсулотнинг сифат курсаткичларининг номенклатурасини танлаш, бу курсаткичларнинг кийматларини аниклаш ва уларни асос булувчи кийматлар билан таккослашни ўз ичига олувчи ишларнинг йиғиндиси маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш деб аталади. Маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш учун маҳсулотлар иккита туркумга булинади:

- фойдаланишда сарфланадиган маҳсулот;
- ўз ресурсини сарфлайдиган маҳсулот;

Маҳсулот сифатининг курсаткичлар номенкулатурасини танлаб олишни асослаш қуйидагиларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

- ❖ маҳсулотни ишлатилишидаги шароитларни ва вазифасини;
- ❖ истъъмолчилар талабларининг тахлилини;

- ❖ махсулот сифатининг тавсифланувчи таркибини ва тўзилшини;
- ❖ сифат курсаткичларига булган асосий талабларни.

Махсулот сифатига таъсир этувчи омилларни тўрт тоифага булиш мумкин:

- ☐ техникавий;
- ☐ ташкилий;
- ☐ иктисодий;
- ☐ ижтимоий;

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таклиф қиламан:

1. Республикамиз корхоналаридаги асбоб ускуналарни (асосий фонд) халқаро стандартларга жавоб берадиган ускуналарни жалб этиш, ҳамда ахборот воситалари орқали сифатни бошқариш тизимларининг кенг ёритилиши ушбу масалага аҳолининг кенг қатламини жалб қилиб, ижтимоий фикрга айланади ва фақатгина ишлаб чиқарувчида эмас, балки истеъмолчида ҳам сифат тизимлари жорий қилинган корхоналарга нисбатан ишонч пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари республикамизда сертификатга эга бўлган корхоналарни ахборот тизимлари, тақдимотлар орқали чет давлатларнинг эътиборига ҳавола қилишни йўлга қўйиш керак.
2. Кейинги йилларда кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кўрсатилаётган банк хизматлари орасида кенг тарқалаётган «микрокредитлаш» турида кредитнинг сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш учун ҳам берилишини ташкил қилиш корхоналарнинг айланма маблағларини тизимни жорий қилишга жалб қилмасдан корхонани ривожлантиришга сарф қилишига шароит яратиб беради.

Бу боскичда сотиш хажмининг мўътадиллигига эришилади. Бу боскичда товарнинг ракобатбардошлиги даражасини оширишга зарурият пайдо булади. Товарнинг ракобатбардошлик даражасини ошириш бозорни такомиллаштириш,

макетингни такомиллаштириш, товарни такомиллаштириш оркали эришилади. Туйиниш боскичи стандартлаштирилган товарнинг пайдо булиши учун тавсифланади маркетингларнинг фикрига кўра, бозорда эскирган товар билан қолиш биринчи навбатда фирманинг нуфузини пасайтиради. Бозорга стандартлаштирилган товар билан чиқиш фирма томонидан табақалаштирилмаган ва глобал маркетинг стратегияларини танлашда мақсадга мувофиқдир. Маркетингда стандартлаштириш фақат товарга таълуқли бўлмай, балки маркетинг фаолиятига, жумаладан, маркетинг тадқиқотлари методлари ва операцион маркетингга ҳам таълуқлидир.

Умуман олганда сифатли ва хавфсиз махсулот ишлаб чиқаришда стандартлаштиришнинг ўрни бекиёсдир. Чунки ҳар бир корхона ўз махсулотини ишлаб чиқараётганда уни маълум бир стандарт қоидаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқади. Агарда стандарт қоидаларига риоя қилмаган ҳолда махсулот ишлаб чиқса бу махсулот сифатсиздир.

Сифатли ва хавфсиз махсулот ишлаб чиқаришда стандартни ўрни бекиёсдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Китоблар ва рисоалар

1. Ш.М.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” Ўзбекистон, 2017-йил.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” Т. Ўзбекистон, 1994-йил
3. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Ўзбекистон, 1996-йил
4. О’зDSt ИСО/ИЕС 21:2001 стандарти.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ- овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги 483-I–сонли қонуни.
6. П.Р.Исматуллаев, Ш.А.Тўраев, О.Адилов, Б.Х.Исмоилов “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда Глобал Г.А.П стандартини жорий этишнинг аҳамияти” “СТАНДАРТ” илмий-техника журнали 2011 й., 1-сон, 6-8 б.
7. ГОСТ 31036-2002 Руководство по хранению в холодильных камерах.
8. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С. Алимов М.Н., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифат. – Тошкент: СМСИТИ, 2008
9. “Метрология ҳақида Ўзбекистон республикаси қонуни “1993-йил
10. Стандартлаштириш Тошкент молия институти молиявий менежмент факултети “менежмент ва маркетинг” кафедраси “сифат менежменти” фанидан маърузалар матни. Тошкент-2012
13. Саматов А.А Стандартлаштириш – хавфсиз ва сифатли маҳсулот гарови “ЎЗСТАНДАРТ” агентлиги илмий-техника журнали 2017 йил 1-сон.

- 14.«Стандартлаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 28 декабрь, 1993 йил.
- 15.«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 28 декабрь, 1993 йил.
- 16.Ўз ДСт ИСО 9000:2002 «Сифат менежменти тизимлари-асосий қоидалар ва луғат», Тошкент, ЎзТМТИ, 2002 й.
- 17.О'зДСт ИСО 9004:2002 «Сифат менежменти тизими-фаолиятни яхшилаш бўйича тавсиялар», Тошкент, ЎзТМТИ, 2002 й.
18. «Сифатни маъмурий бошқариш. Конфигурацияларни маъмурий бошқариш бўйича раҳбарий кўрсатмалар», Тошкент, СМСИТИ. 2014й.
19. «Сифатни маъмурий бошқариш. Лойиҳалар. Сифат менежменти бўйича раҳбарий кўрсатмалар», Тошкент, СМСИТИ. 2015й.

III. Интернет манбалари

1. <http://www.wto.org>
2. <http://www.iso.ch>
3. <http://www.eoq.org>
4. <http://www.iso9000.ru>
5. <http://tqmservice.ru>
6. <http://www.gost.ru>
7. <http://www.standart.uz>
8. <http://www.easc.org.by>
9. <http://www.iaf.org>
- 10.<http://www.cia.org>
- 11.<http://www>. МГС.org